

O'ZBEKISTON
MILLIY
TELERADIOKOMPANIYASI
BUYRUQ



НАЦИОНАЛЬНАЯ
ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА
ПРИКАЗ

2 aprel 2025 yil. **81-son**

Toshkent sh., - г. Ташкент

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси
“Ҳисоб сиёсати”ни янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишда қўлланиладиган аниқ услублар, асослар, йўл қўйишлар, қоидалар ҳамда усуллар мажмуини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БҲС) “Ҳисоб сиёсати”га (рўйхат рақами 2853, 2016 йил 27 декабрт) мувофиқ қайта ишлаб чиқилган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ҳисоб сиёсатини” янги таҳрирда тасдиқлаш мақсадида **буюраман**:

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ҳисоб сиёсати” иловага **мувофиқ янги таҳрирда** тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимидаги давлат бюджетидан молиялаштириладиган барча муассасалар **бир ойлик муддат** ичида ўзларининг янгиланган “Ҳисоб сиёсати”ларини қайта ишлаб чиқилишини ва тасдиқланишини таъминласинлар.

3. Марказий бухгалтерия (Юсупова) тизимдаги ташкилотлар бош бухгалтерлари билан биргаликда **бюджет ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни** янгиланган “Ҳисоб сиёсати” нормаларига асосан юритилишини таъминласин.

4. Ушбу буйруқ қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон МТРКнинг 2017 йил 7 ноябрдаги 557-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқни ижросини назорат қилишни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раисининг ўринбосари М. Сафаров зиммасига юклатилсин.

Раис



А. Джурабаев

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг янги таҳрирдаги ҲИСОБ СИЁСАТИ

1. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг марказий бухгалтерия бўлими ташкилий тузилмаси

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ, марказий бухгалтерия бўлими 6 та штат бирликлари жумладан, бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, 3 та бош мутахассис ва 1 та етакчи мутахассисдан иборат.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ташкилотда молиявий-хўжалик фаолиятини қонунчилик асосида, жумладан бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши ҳамда тўлиқ ва аниқ юритилишини (*маълумот ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва аниқлиги, ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши*) ҳамда самарадорлик натижаларини назорат қилади.

Ўзбекистон МТРКнинг марказий бухгалтерия бўлими мустақил таркибий бўлинма ҳисобланиб, бош ҳисобчи – бўлим бошлиғи бошчилик қилади.

Бош ҳисобчи – бўлим бошлиғи Ўзбекистон МТРК раисига бўйсунди ҳамда бухгалтерия ҳисобини юритилишига, молиявий ҳисоботларни ўз вақтида шакллантирилиши ҳамда молия-статистика органларига тўлиқ ва сифатли топширилишига, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида инвентаризация (инвентаризация қилиш мажбурий бўлган ҳоллардан ташқари) ўтказишнинг тартиби ва муддатлари

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг моддий жавобгар шахслари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа лавозимга тайинлаш жараёнида Ўзбекистон МТРК раисининг тегишли буйруғи асосида жавобгарлигидаги барча асосий восита ва товар моддий бойликлари инвентаризациядан ўтказилади ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали тайинланаётган моддий жавобгар шахс ёки вақтинча моддий жавобгар шахс зиммасига ўтказилади.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси томонидан фойдаланиладиган счётлар рўйхати

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2018 йил 20 октябрда 3078-рақам билан рўйхатдан ўтган Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг

стандарти (2-сонли БҲС) “Ягона счётлар режаси”ни тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 10 сентябрдаги 125-сон буйруғига мувофиқ юритилади ҳамда ушбу счётлар режаси **илова** қилинади. (1-илова)

4. Ҳужжатлар айланмаси графиги

Т/р	Ҳужжат номланиши	Жавобгар шахс	Тақдим этиш санаси
1.	Ахборот-алоқа, интернет, қўриқлаш, электр энергия, коммунал ва бошқа хизмат шартномалари, қўшимча келишувлар	Молия-иқтисод Бошқармаси бошлиғи О.Рахматов	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
2.	Ҳисоб-фактуралар	Электрон тартибда	
3.	Хорижлик ҳамкорлар билан шартномалар, қўшимча келишув, инвойс, далолатномалар	Инвестиция бўлими бошлиғи А. Шерхонов	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
4.	Қурилиш-таъмирлаш бўйича шартномалар, қўшимча келишувлар	Архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Ш.Расулов.	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
5.	Товар моддий бойликларни сотиб олиш ҳаражатлари шартномалари ва қўшимча келишувлар	Давлат харидлари ва хўжалик-таъминот бўлими бошлиғи А. Усманов	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
6.	Бўш турган майдон бўйича ижара шартномалар ва қўшимча келишувлари	Ишлар бошқармаси	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
7.	Реклама ҳажми	Реклама ва маркетинг бўлими бошлиғи Р.Асомов	Ҳар ойнинг 10-санасигача
8.	Кадрлар, хизмат сафари шунингдек мукофотлаш тўғрисидаги буйруқлар	Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Б. Хайдаров	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
9.	Табеллар	Инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Б. Хайдаров	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
10.	Касаллик варақалари	Инсон ресурсларини	Имзолангандан

	далолатномалари	бошқариш ва ривожлантириш бўлими бошлиғи Б. Хайдаров	кейин 1 кун ичида
11.	Харид қилиш учун режа-график	Давлат харидлари ва хўжалик-таъминот бўлими бошлиғи А. Усманов	Имзолангандан кейин 1 кун ичида
12.	Омбор кирим ва чиқим ҳисоботлари, далолатномалар	Хўжалик мудири – М.Хусанов	Имзолангандан кейин 3 кун ичида
13.	Қуйи ташкилотларнинг ҳисоботлари	Қуйи ташкилотлар бош бухгалтерлари	Тасдиқланган графикка асосан
14.	Бошқа умумий қарор, буйруқ, топшириқлар	Бошқарма ва бўлимлар	Имзолангандан кейин 1 кун ичида

- Масъул ходим бошқа ишга ўтказилганда унга ушбу лавозимларга янги тайиланган шахслар ёки тегишли вазифаларни бажариш юклатилган шахслар киритилади;

- Мазкур ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2016 йил 27 декабрда 2853-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирининг 2016 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (1-сонли БХС) “Ҳисоб сиёсати”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги 91-сон буйруғи асосида ишлаб чиқилди.

5. Ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуллари

Марказий бухгалтерия Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Адлия вазирлигидан 2010 йил 22 декабрда 2169-рақам билан рўйхатдан ўтказилган Молия вазирининг 2010 йил 17 декабрдаги “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 105-сон буйруғи ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил қилинади ва “УЗАСБО” дастурий маҳсулида юритилади.

6. Намунавий шакллари назарда тутилмаган, хўжалик операцияларини қайд қилиш учун қўлланиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатларининг шакллари

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Марказий бухгалтерияси ҳисоби фақат қонунчиликда назарда тутилган намунавий шакллардан фойдаланади.

7. Асосий воситаларнинг инвентар рақами тузилмаси

Асосий воситалар бутлиги устидан назоратни йўлга қўйиш ва уларнинг ҳисобини ташкил этиш учун ҳар бир объект (предмет)га, кутубхона фондларидан ташқари, ўн тўрт белгидан иборат инвентар рақами берилади.

Бунда, дастлабки олти белги субсчётни билдиради, еттинчи ва саккизинчи белги - асосий воситалар йиллик эскириш меъёрларининг гуруҳлари ва кичик гуруҳлари тартиб рақамини, қолган олти белги эса предметнинг гуруҳдаги тартиб рақамини билдиради. Бунда, гуруҳнинг кичик гуруҳи мавжуд бўлмаганда “Нол” билан белгиланади.

8. Бирламчи ҳисоб ҳужжатларига имзо қўйиш ҳукукига эга бўлган шахслар рўйхати

Т/р	Лавозими	Ф.И.Ш.
1.	Раис	ДЖУРАБАЕВ АБДУРАШИД АБДУВАХИДОВИЧ
2.	Раис ўринбосари	САФАРОВ МАМАДАМИН АБДУҒАППАРОВИЧ
3.	Бош ҳисобчи	ЮСУПОВА ДИЛБАРХОН АБДУАЗИМОВНА
4.	Юрист	ҚАЛҚОНОВА МУХАЙЁ ХАМИДОВНА

• бошқа ишга ўтказилганда ушбу лавозимларга янги тайинланган шахслар ёки тегишли вазифаларни бажариш юклатилган шахслар имзо қўйиши мумкин.

9. Асосий фондларни қайта баҳолаш услублари

Бошланғич қийматни аниқ ўлчаш имкони бўлган асосий воситалар актив сифатида тан олингандан кейин қайта баҳолаш қийматида, яъни қайта баҳолаш кундаги активнинг бошланғич қийматидан жамланган амортизация ва қадрсизланишдан кўрилган зарарлар чегирилгандаги қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Баланс қиймати ва ҳисобот кундаги қиймат ўртасидаги сезиларли фарқларнинг олдини олиш учун асосий восита объектини қайта баҳолаш ҳар йили 1 январь ҳолатига ўтказилади.

Мол-мулк бирлигининг бозор қийматини аниқлашнинг имкони бўлмаса, актив қиймати ўхшаш хусусиятларга эга мол-мулк қийматига асосланган ҳолда аниқланади.

Асосий воситаларни қайта баҳолашда қайта баҳолаш санасидаги жами амортизация баланс қийматига мос равишда ўзгартирилади. Кейинги амортизацияланадиган қиймат қайта аниқланган қийматдан чегириб борилади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий восита баланс қийматининг ошган қиймати якуний молиявий натижаларни қайд этиш ҳисобига тўғридан-тўғри кредитланади.

Қайта баҳолаш натижасида асосий восита баланс қийматининг камайган суммаси якуний молиявий натижаларни қайд этиш ҳисобига тўғридан-тўғри дебетланади.

10. Инвентаризация қилишда (ортиқча ёки камомад) мулкни баҳолаш услублари

Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситалар даромадлар ёки харажатлар сифатида тан олинади. Инвентаризация жараёнида етишмовчилиги аниқланган асосий воситалар айбдор шахслар топилгунига қадар камомадлар ҳисобига киритилади.

Камомад суммаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг балансидаги асосий воситанинг қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Даромад эса ўз навбатида тегишли ташкилотлар билан шартнома тузган ҳолда асосий воситанинг қиймати баҳоланади.

11. Қуйи турувчи тасарруфидаги ташкилотларнинг ҳисобот тақдим этиш муддатлари

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг тасарруфидаги қуйи ташкилотларнинг ҳисобот тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон МТРК раиси томонидан ҳар ҳисобот йилига тасдиқланади. (2-илова)

12. Товар (иш, хизмат)лар калкуляциясини шакллантириш тартиби

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси реклама хизматлари учун бюджетдан ташқари қўшимча даромад манбаига эга бўлиб, реклама хизматлари калкуляцияси Реклама ва маркетинг бўлими томонидан ишлаб чиқилади.

Бунда, Ўзбекистон МТРК тизимидаги теле-, радиоканалларда рекламалар дақиқа ва рейтинг бўйича эфирга узатилади. Реклама-ахборот материалларини тайёрлаш ва жойлаштириш бўйича тарифлар, уларга қўлланилиши мумкин бўлган чегирма ва устамалар Ўзбекистон МТРКнинг тегишли буйруғи билан тасдиқланади.

Реклама сиёсатини мувофиқлаштириш, соғлом рақобатни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, нарх сиёсатини шакллантириш, реклама соҳасидаги ишларни самарали ва тизимли ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар доирасида реклама ва ҳомийлик белгиларини жойлаштириш бўйича шартномалар одатда Ўзбекистон МТРК томонидан марказлаштирилган ҳолда, айрим ҳолатларда эса телерадиоканаллар томонидан тузилади.

Теле-, радиоканал эфирида реклама роликларини жойлаштириш нархини ҳисоблашда чегирмалар ва устамалар кетма-кет қўлланилади.

Чегирмалар ва устамалар, улар тақдим этилган шартлар бажарилмаган тақдирда бекор қилинади ва (ёки) қайта ҳисоблаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида расман байрам деб эълон қилинган кунлар учун тарифлар қўшимча равишда белгиланиши мумкин.